

Муминов Нозим Гаффарович,
Ўзбекистон Миллий университети
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ: ДЕМАРКАЗЛАШТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 336.14

МУМИНОВ Н. Г. БЮДЖЕТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ: ДЕМАРКАЗЛАШТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада бюджет муносабатларини демарказлаштириш масалалари тадқиқ этилган. Демарказлаштириш жараёнини амалга оширишда маҳаллий хокимият органларининг ваколатлари ва уларни шаклан ва мазмунан такомиллашиб бориши тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шу билан бирга бюджет демарказлашувининг афзалликлари ва камчиликлари ёритилган.

Таянч иборалар: бюджет, демарказлаштириш, маҳаллий хокимият органлари, ваколатлар, бюджет демарказлашувининг афзалликлари.

МУМИНОВ Н. Г. ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УГЛУБЛЕНИЯ РЕФОРМ В БЮДЖЕТНОЙ СИСТЕМЕ: ОСОБЕННОСТИ ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИИ

В статье изучены вопросы децентрализации бюджетных отношений. Рассмотрены проблемы полномочия местных органов власти в условиях реализации процесса децентрализации, а также вопросы совершенствования данных полномочий. Вместе с этим описаны преимущества и недостатки бюджетной децентрализации.

Ключевые слова: бюджет, децентрализация, местные органы власти, полномочия, преимущества бюджетной децентрализации

MUMINOV N.G. BASIC DIRECTIONS OF BUDGET SYSTEM REFORMS DEEPENING: FEATURES OF DECENTRALIZATION

There is discussed in the article the issues of decentralization of budgetary relations. It is considered the problems of authority of local authorities in the context of the implementation of the decentralization process, as well as issues of improving their powers. Along with this, the advantages and disadvantages of budget decentralization are described.

Keywords: budget, decentralization, local authorities, powers, advantages of budget decentralization.

Кириш. Охирги чорак асрда “марказлаштириш – демарказлаштириш” муаммосига бўлган катта қизиқиш бюджет-солиқ федерализмини жадал ривожланиши билан боғлиқдир.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ушбу муаммони тадқиқ этувчи олимлардан бири қуйидагича фикр билдирган: “марказлаштириш ва демарказлаштиришнинг ютуқ ва камчиликлари балансини топиш мураккаб ва, афсуски, доимо сиёсий тус олган муаммога айланади. Бунда у ёки бу томонга оғишнинг оғир оқибатлари исбот талаб этмайди. Агар “барча босқичлар” демарказлашса (“марказ” деярли йўқ бўлса ёки номинал ҳолатга келса), аввалги тизим тўлиқ деформацияланади: олдинги “марказ” ўрнига бир нечта янгиси пайдо бўлади. Худди шундай схема бўйича мураккаб тузилган давлат тизимининг парчаланishi юз беради: унитар – федератив – конфедератив – бир нечта янги. Ҳар қандай яхлит тизимда “марказ” мавжудлиги сабабли демарказлаштириш амалга оширилади. Агар “барча босқичлар” марказлашса (“демарказлаштириш субъектлари” деярли йўқ бўлса ёки номинал ҳолатга келса), унитар, бошқаруви ташкил этилиши бўйича тоталитар давлат вужудга келади”¹.

Шу билан бирга, федератив тизимга эга бўлган турли мамлакатлар (АҚШ, Канада, ГФР ва бошқ.), марказлаштириш – демарказлаштириш муносабатларининг оптимал баланслаштирилган даражасига тобора яқинлашиб боришмоқда. Бу ҳолат фақатгина молия-бюджет барқарорлиги сабабли юзага келаётгани йўқ, балки давлат-худудий тузилмаларининг турли даражаларида ваколат ва ресурсларни келишилган ҳолда тақсимланишида сиёсий жиҳатдан мос, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан асосли қоидалар ва механизмдан фойдаланилиши туфайли ҳам амалга ошмоқда. Бу шундан далолат берадики, ушбу мамлакатларда жамоа молияси соҳасида бюджет демарказлашуви афзалликларидан (унинг камчиликларини деярли йўқ қилган ҳолда) фойдаланишни ўрганишда.

Муаммонинг қўйилиши. Мунтазам равишда оптималлик мезони сифатида барқарор худудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, дотацион ва депрессив худудларни минималлаштиришни, аҳоли турмуш даражасини ўсишини мавжудлиги

(ёки мавжуд эмаслиги) намоён бўлади. Ушбу оптималлик ўзгарувчан бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий индикаторлар мажмуаси ёрдамида мониторинги натижасида аниқланадиган ҳаракати демарказлаштириш даражаси самардорлигига реал баҳо беришга асос бўлиши мумкин.

Тадқиқот методлари. Мақолада тадқиқот мавзусига оид назария ва таълимотларни гуруҳлаштириш, илмий тадқиқот бўйича хулосалар чиқаришда моделлаштириш, статистик таҳлил, тизимли ёндашув, прогнозлаш, умумлаштириш усуллари кенг қўлланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бюджет тизимини шаклланиши, унинг даромадлар ва харажатлар қисмини атрофлича таҳлили қуйидаги олим ва изланувчилар томонидан амалга оширилгандир: Срождидинова З.Х.², Н.Хайдаров³, Вахабов А.В.⁴, Элмонов Б.Э.⁵ ва бошқалар.

Минтақаларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши хусусиятлари қуйидаги олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий изланмаларида тадқиқ этилган: Ахмедов Т.М.⁶, Родионова И.А.⁷, Абулқосимов Ҳ.П.⁸, Бабаджанова Л.Ш.⁹ ва бошқалар.

Маҳаллий бюджетларни шаклланиш хусусиятлари ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалаларига қуйидаги олим ва амалиётчилар-

² Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик/Срождидинова З.Х. «InfoCOM.UZ», Тошкент, 2010

³ Н.Хайдаров. Давлат молиясини бошқариш. Т. «Академия», 2006й.

⁴ Вахабов А.В., Срождидинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник. Т. «Иқтисод-молия», 2006

⁵ Элмонов Б.Э. Давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштириш // Иқтисод ва молия, 2019. № 9, 18-22 бетлар

⁶ Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производственных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: Фан, 1992. – с. 8.

⁷ Родионова И.А. Региональная экономика. – М.: Экзамен. 2003. – с. 9.

⁸ Абулқосимов Ҳ.П. Административные реформа и децентрализация государственного хозяйственного управления в Республике Узбекистан. “Вестник НИЦ МИСИ: актуальные вопросы современной науки”: электронный международный научный журнал.-М.: НИЦ МИСИ.- 2019год -№17/[Электронный ресурс]-Режим доступа.-URL:http: conference-nicmisi.ru / mezhdunarodnyj-nauchnyj-zhurnal-vestnik-nitz-misi-aktualnye-voprosy-sovremennoj-nauki-2html-С.13-20.

⁹ Бабаджанова Л.Ш. Актуальные аспекты устойчивого развития территорий Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия, 2018. № 9, 53-59 бетлар

¹ Лексин В.Н. Федеративная Россия и её региональная политика: учебное пособие по дисциплине специализации специальности «Государственное и муниципальное управление» / В. Н. Лексин. - Москва: ИНФРА-М, 2008. – 350 с.

нинг ишланмалари бағишланган: Хайдаров М.¹, Мусагалиев А.Ж.², Юлдашева Н., Ҳамраева Ф.³, Бабаджанова Л.Ш.⁴ ва бошқалар.

Асосий натижалар. “Демарказлаштириш” термини жуда кўп ҳолларда ишлатилишига қарамасдан унинг мазмуни доимо ҳам бир маънода англамайди. Бюджет демарказлашуви географик демарказлашув ва маъмурий қарорлар қабул қилиш тизими демарказлашуви жараёнлари билан ўзаро боғлиқ бўлишига қарамасдан бир мунча фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд.

Географик демарказлашув кўпчилик мамлакатларда асосан қишлоқ жойларда иқтисодий ривожланишни фаоллаштириш мақсадида фойдаланилади. Бунда субсидиялар ва солиқ имтиёзлари ёрдамида бизнесни ривожлантиришга бўлган харажатларни пасайтиришга эришиб, ушбу ҳудудлар жозибадорлиги оширишга ҳаракат қилинади. Демарказлашувнинг ушбу тури маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий базасини мажбурий мустақамланишини назарда тутмайди.

Маъмурий қарорлар қабул қилиш тизими демарказлашуви марказий ижро ҳукуматининг маҳаллий бўлинмаларига ваколатларни янада кўпроқ делегирлашни (узатишни) назарда туттади. Ушбу стратегия қарор қабул қилинишининг кўпбосқичли жараёнини қисқартириш ва, бунинг натижасида, давлат бошқарув органларини оператив фаолият юртишига имкон бериш эвазига техник жиҳатдан самаралироқ бошқарувни таъминлаши зарур. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳам маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий базасини мажбурий мустақамланишини назарда тутмайди.

Маълумки, демарказлашган бошқарув энг рационал шаклда бўлган тақдирда ҳам марказлаштирилган тизимдан мураккаблиги жиҳатидан

бир поғона юқоридадир. Мураккаб тизимни демарказлашган ҳолда ташкил этиш, уни яхлитлигини сақлаш ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун унитар тизимни ташкил этишга нисбатан анча кўп ҳаракат ва маблағ талаб этади. Шу билан бирга, айнан федератив тузилма мамлакатни яхлитлигини сақлаб қолувчи ягона восита бўлиб қолмоқда, чунки федерация кўринишидаги ҳудудий демарказлаштириш дезинтеграция, мамлакатнинг сиёсий парчаланишига нисбатан энг асосий муқобил вариант ҳисобланади. Шу сабабдан федерация - давлатчилик ривожининг энг янги эволюцион чўққиси ҳисобланиб, ХХ асрда тўлиқ ва алоҳида шаклда намоён бўлди.

Жамоа молияси соҳасида **бюджет (ёки бюджет-солиқ) демарказлаштириши** ваколатларга эга бўлиш ва ресурслардан фойдаланиш чекловларининг бошқа шаклларида принципал фарққа эга бўлиб, унинг предмети қуйидагидан иборат: *давлат молиясининг ягона тизими ва солиқ солиш, бюджетни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлашнинг ягона қоидалари*. Ундан ташқари, ҳар бир давлатда пул-кредит ва ташқи қарз олишнинг ягона тизими мажбурийдир. Бунда демарказлаштиришнинг асосий мақсади бўлиб бошқарув тизими билан аҳоли ўртасида узвий алоқа ўрнатиш ҳисобланади, бу эса маҳаллий ҳокимият органларининг молия тизимини мустақамлашни талаб этади. Вазифа - минтақаларга ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларига солиққа тортиш ва маблағларни сарфлаш соҳасида маълум бир ваколатларни, ҳамда бюджетни харажатлар қисми параметрлари ва таркибини мустақил белгилаш имкониятларни беришдан иборат. Шундай қилиб, аҳоли мустақил равишда маҳаллий бошқарув органлари таркибини (сайлов йўли билан) аниқлаши ва бошқарув жараёнида фаол қатнашиши мумкин.

Якуний натижа бўлиб маҳаллий бошқарув органлари томонидан тақдим этиладиган жамоа хизматлари сифатини ошиши ва сайловчиларни кўпроқ қондирилишига эришиш ҳисобланади. Бюджет демарказлашуви маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ-бюджет соҳасида мустақил қарорлар қабул қилиш имконини берувчи маълум даражада автономиясини назарда туттади.

Демарказлашувнинг марказлашувнинг акс жараёни сифатидаги иқтисодий моҳиятини очиш учун, бизнинг фикримизча, унинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиш зарур.

¹ Хайдаров М. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари // Иқтисод ва молия, 2018. № 6, 21-30 бетлар

² Мусагалиев А.Ж. Молиявий муносабатларнинг назарий методологик жиҳатлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ҳозирги умумий ҳолати // Иқтисод ва молия, 2019. № 1, 29-37 бетлар

³ Юлдашева Н., Ҳамраева Ф. Анализ этапов бюджетной политики государства по активизации деятельности местных бюджетов Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия, 2019. № 5, 33-41 бетлар.

⁴ Бабаджанова Л.Ш. Некоторые вопросы практики формирования доходов местных бюджетов в Республике Узбекистан и направления ее совершенствования // Иқтисод ва молия, 2018. № 2, 20-28 бетлар.

Бюджет марказлашувининг афзалликлари нимадан иборат?

Улар турли даражадаги имкониятларда намоён бўлиб, бизнинг фикримизча қуйидагилар уларнинг асосийларидир:

1) макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш имкониятлари;

2) инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш, айниқса иқтисодий тушкунлик даврида;

3) мамлакат ҳудудида ижтимоий бойликларни истеъмол қилинишини таққослама даражасини сақлаш;

4) ўта дифференциаллашган жон бошига тўғри келувчи бюджет таъминотини тенглаштириш имкониятлари;

5) марказий бошқарув органлари бошқарув кадрларининг нисбатан юқори компетенцияси ва малакаси.

Қайд этилган фикрларни асослаш мақсадида баъзи таҳлилий ва статистик маълумотларни келтирамиз.

Ўтиш даври иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликка эришишда марказлашишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. АҚШнинг Жоржия штати университети иқтисодиёт профессори ва сиёсий тадқиқотлар факультети декани Рой Болнинг фикрича "...ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар табиатан беқарор бўлади, бунинг бир қанча сабаблари бор, масалан – экспорт маҳсулотлари сонининг чекланганлиги (қишлоқ хўжалиги ёки минерал хом ашё ресурслари) ва иқтисодиётни унга тобелиги. Жаҳон бозоридаги нархларни ўзгариши бундай мамлакатлар иқтисодиётига ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Глобал иқтисодий шарт-шароитларни ўзгариши бундай мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтириши мумкин. Масалан, жаҳон иқтисодиётидаги иқтисодий тушкунлик хорижий инвестициялар оқимини қисқаришига, экспортга бўлган талабни пасайишига, туристик фаолиятни сезиларли қисқаришига олиб келиши мумкин. Хатто, Лотин Американинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам реал ЯИМ ҳажми саноати ривожланган мамлакатларникига нисбатан 1,5 баробар беқарордир, миллий валюталарнинг реал курслари эса – 3 баробар беқарордир"¹.

¹ https://bstudy.net/648892/ekonomika/preimuschestva_nedostatki_byudzhethnoy_detsentralizatsii

Иқтисодиётдаги бундай беқарорлик жамоат секторига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жаҳон фоиз ставкаларининг ва реал валюта курсларининг тебраниши ташқи қарзга хизмат кўрсатиш ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади (бу ҳол XX асрнинг 90-йилларида Россияда яққол намоён бўлган). Эгри солиқлардан тушумлар ҳажми талабни ўзгарувчанлигига, жамоат секторига харажатлар эса инфляция ва ишсизлик даражасига боғлиқдир. Умумжаҳон банки ҳисоботида қуйидаги қизиқарли факт келтирилган: Лотин Америкаси мамлакатларида солиқ тушумлари – саноати ривожланган мамлакатларникига нисбатан 2,5 баробар ўзгарувчандир, жамоат секторига харажатлар эса – 4 баробар ўзгарувчандир.

Беқарорлик таҳдиди ҳукуматнинг марказий органларини стабилизацион сиёсатни амалга ошириш мақсадида бюджет-солиқ соҳасида назоратни амалга оширишга (давлат харажатларини қисқартириш, солиқларни кучайтириш орқали) мажбурлайди. Ҳақиқатдан ҳам, давлат харажатлари ва солиқларнинг катта қисми маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфида бўлса, ва улар стабилизацион сиёсат ўтказилишидан бевосита манфаатдор бўлишмаса инфляция ва бюджет камомадини тартибга солиш дастурини амалга оширишнинг имкони бўлмайди. Деярли барча мамлакатларда молия вазирликлари қуйидагиларни назорат қилишга ҳаракат қилишади:

1) асосий солиқ турлари бўйича солиқ ставкалари ва солиқ солиш базаси ҳажмини. Бу ҳукуматга даромадлар даражаси ва бюджет камомади ҳажмини назорат қилиш имконини беради. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда асосий солиқ ставкалари ва солиққа тортиш базаси марказий ҳукумат томонидан белгиланади ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас. Бу ҳол макроиқтисодий параметрларни назорат қилиш зарурати билан асосланади.

2) харажатларни тақсимлаш ва уларнинг даражасини аниқлаш тартиби. Қатъий бюджет чекловлари мавжуд бўлмаган ҳолларда маҳаллий ҳокимият органларининг харажатлари бюджет камомади ҳажмига таҳдид даражасигача бориши мумкин. Шу сабабдан кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда маҳаллий ҳокимият органларининг харажатлари даражаси устидан назорат амалга оширилади. Бунинг бир нечта усули мавжуд: (а)

маҳаллий хокимият органлари ходимларининг иш ҳақи даражасини марказлаштирилган тартибда ўрнатиш; (б) жамоат секторида бандлик даражасининг юқори чегарасини белгилаш; ва (в) маҳаллий бюджетларни юқорироқ хокимият органлари томонидан тасдиқлаш.

3) маҳаллий хокимият органлари томонидан займларни жалб қилиш тартибини регламентация қилиш. Бу иқтисодий маҳаллий хокимият органлари томонидан ҳаддан ташқари кўп инвестицияланишини олдини олади. Шу билан бирга марказий ҳукуматга иқтисодий маблағларни ички ўзлаштиришнинг умумий даражасини яхшироқ назорат қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, **маҳаллий хокимият органларининг даромадлари, харажатлари ва маблағларни ўзлаштиришлари устидан назорат** макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг зарур шarti ҳисобланади, бюджет марказлашуви шароитида эса бунга эришиш анча енгилдир.

Бюджет марказлашуви фойдасига яна бир аргумент бўлиб марказлаштирилган ҳолда йўналтириладиган инфратузилмага инвестициялар зарурати намоён бўлади. Асосан ўтиш иқтисодийга эга мамлакатларда капитал етишмовчилиги кузатилади ва маҳаллий хокимият органлари жуда кам пул маблағлари захирасига эга бўладилар. Бунда маълумки, давлатнинг инвестиция соҳасидаги устуворликлари ҳудудий ва маҳаллий хокимият органлари устуворликлари билан мос тушмайди. Марказий ҳукуматнинг миллий даражада ва ҳамда минтақавий даражада наф келтирувчи инфратузилмага (магистрал йўллар, энергетика, ахборот, транспорт тизимлари ва бошқ.) инвестициялашга иштиёқи баланд. Маҳаллий хокимият органларининг ёндашуви эса аксинча, кўпчилик ҳолларда маҳаллий аҳамиятга эга инвестицион лойиҳаларга (масалан, бозорларни, кичик ҳудудларни сув таъминоти тизимини, муниципал қурилмаларни ва дам олиш зоналарини қурилишига) қизиқишади. Шу сабабдан, иқтисодий ўсишни максимал интенсификация қилиш шароитида умуммиллий инфратузилмани ривожланишини таъминлаши керак бўлган йирик давлат инвестицион лойиҳаларга устуворлик бериш зарурлигини, ва инвестицион сиёсатда маҳаллий хокимият органларининг ўрни чекланган бўлишини ёқлаб чиқувчилар кам эмасдир.

Бюджетни марказлаштириш лозимлигига қўшимча аргумент бўлиб турли-туман инфра-

тузилмани яратиш ва ривожлантириш жараёнида маҳаллий хокимият органлари зарур бўлган (технологик ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича) стандартларга риоя қилмайдилар ва уларнинг фаолиятини етарли даражада таъминлаб бера олмайдилар. Ижтимоий соҳага, ижтимоий инфратузилмалар инвестицияларига келганда “марказ”нинг кўпчилик намоёндалари ушбу инвестицияларни бутун мамлакат бўйича ягона тизим орқали ва ягона шаклда амалга оширилиши тарафдорларидир. Бундай ёндашув таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида, ҳамда уй-жой коммунал хўжалигида ижтимоий хизматларни тақдим этиш даражасини аниқлашда, давлат стандартларига риоя қилиниши талаб қилинаганлиги сабабли ва бу стандартлардан паст даражада таъминланишини олдини олиш мақсадида - ҳудудий хокимият органлари автономиясини чекловчи давлат дастурлари орқали амалга оширилади. Марказлаштириш шароитида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳаларида асосий жамоат бойликларини истеъмол қилиниши даражасини таққослама таҳлилига бюджет харажатларини режалаштиришни норматив (бюджетларни шаклланиши даврида “харажатлар нормаси”) методидан фойланиш орқали эришилади. Ижтимоий стандартларга эришувда, маҳаллий шароитлар ўзаро фарқланиши сабабли - “харажатлар нормаси” билан тафовут кузатилиши мумкин.

Марказлаштириш шароитида молиявий фарқларни (жон бошига бюджет таъминоти даражаси) тенглаштириш имкониятлари кўпроқ бўлади. Маълумки, кўпчилик ривожланаётган ва ўтиш даври мамлакатларига даромадлар ва турмуш даражаси даражасида ҳудудлараро катта фарқ мавжудлиги характерлидир. “Камбағал” минтақалар учун солиқлар йиғими даражаси пастлиги ва харажатларга эҳтиёж даражаси юқорилиги хосдир. Ушбу ноҳуш молиявий фарқларни юмшатиш, асосан, маразий ҳукуматнинг вазифасидир. Фарқларни нивелировкалаш (тенглаштириш)нинг умумқабул қилинган методларидан бири – бу тенглаштирувчи трансфертларни жорий этиш тизимидир. Марказлаштириш шароитида молиявий ҳолатларни тенглаштиришни кўпроқ имкониятлари мавжуд. Мақказий ҳукуматда минтақалар ўртасида молиявий фарқларни текислаш мақсадида кейинчалик маҳаллий хокимият органлари ўртасида

қайта тақсимлаш учун катта ҳажмдаги молиявий маблағларни жамлаш имконияти пайдо бўлади.

Бюджет демарказлашуви тенглаштиришга – мамлакатнинг барча ҳудудларида бир хил ижтимоий стандартларга эришишга тўсиқлик қилиши мумкин. Маҳаллий ҳокимият органларига солиққа тортиш ёки харажатлар таркибини мустақил аниқлаш, ҳамда қарз олишнинг баъзи имкониятларидан фойдаланиш ваколатлари берилган тақдирда ушбу статусдан, асосан, шундоқ ҳам юқори даромадлар даражасига эга минтақалар фойдаланадилар. Ушбу ҳудудлар янги солиқларни жорий этиш учун зарур солиққа тортиш базасига эга бўлиб, солиқлар йиғими бўйича юқори кўрсаткичларга, катта ҳажмда ижтимоий хизматлар кўрсатиш имконини берувчи инфратузилмавий имкониятларга, ҳамда инвестицион фаолликни кучайтириш мақсадида маблағларни жалб этиш имконини берувчи кредитларни қоплаб беришнинг етарли салоҳиятига эгадирлар. Шундай қилиб, бюджет тизимини демарказлаштириш шароитида “бой” ва “камбағал” минтақалар ўртасидаги фарқни янада кескинлашувини кутишимиз мумкин.

Бюджет демарказлашувининг афзалликлари нимадан иборат? Бюджет демарказлашувининг асосий афзалликлари – бу анъанавий – иқтисодий ва ижтимоий, ва, шу билан бирга, “интеграллашган” афзалликлардир. Интеграллашган афзалликлар маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари – ҳукумат тизимидаги аҳоли қатлами ва тадбиркорлар манфаатларини кўзловчи турли нотижорат ташкилотлари ташаббусларини ривожлантиришни назарда тутди.

Демарказлаштиришнинг иқтисодий афзалликларига асосан қуйидагилар киради – фуқаролар турмуш даражасини ўсиши, уларни бюджет тизимига солиқларни тўлаш бўйича чуқур англанган позицияга эгаллиги, маҳаллий бошқарув органлари томонидан маблағларни иқтисодий жиҳатдан самарали сарфлаш. Бу давлатга бир неча сабабларга кўра манфаатлидир.

Биринчидан, жамият солиқларни пасайишига, ижтимоий харажатларни ошишига ёки устуворликлардан келиб чиқиб харажатлар таркибини ўзгартирилишига эришса, унда унинг фаровонлиги ошиб боради. Иккинчидан, кўрсатилаётган хизматлар сифати эҳтиёжларга мос келса, аҳоли солиқларни иштиёқ билан тўлайди. Шундай қилиб, демарказлаштириш солиқ сиёсатини фаол-

лаштиришга ва харажатларни қоплаш маблағлари сифати мақсадли солиқлар ва йиғимларни киритилишида қаршилиқларни енгиб ўтишга имкон беради. Марказлаштирилган бошқарув тизими шароитида бундай натижага эришиш амри маҳолдир.

Ва ниҳоят, бюджет хизматлари янада самаралироқ бўлади, чунки фойдаланганлик учун солиқлар ва йиғимлар ёрдамида жойларда кўрсатилаётган жамоат фойдаланувидаги бойликлардан фойдаланганлик учун тўловларни сайловчиларни ўзлари тўлайдилар. Шу билан бирга, сайловчилар маҳаллий ҳокимиятдаги лавозимли шахслардан кўрсатилаётган хизматлар сони ва сифати борасида ҳисоботни талаб қилишлари мумкин. Агар сайловчилар жамоат хизматлари кўрсатилиши билан қониқмасалар, маҳаллий ҳокимият оргналаридаги жавобгар лавозимдаги шахсларнинг ваколатларидан маҳрум қилишлари мумкин.

Шундай қилиб, жамоат бойликларини тақдим этиш бўйича ваколатларни демарказлаштириш бюджет харажатлари самарадорлигини оширади, чунки ҳокимиятни аҳолига яқинлаштиради, уни сайловчиларга ҳисоботдор қилади, аҳоли хоҳиш-истакларини кўпроқ эътиборга олиш имконини беради.

Бюджет даромадларини шакллантириш бўйича ваколатларни демарказлаштириш солиқ (даромадлар) базаси хусусияти ва таркибини тўлиқроқ ҳисобга олиш имконини беради ва, натижада, бюджетга солиқлар ва бошқа даромадлар йиғимини юқори даражасини таъминлайди. Биз томондан *маҳаллий ташаббусни ривожланиши* сифатида белгиланган интеграллашган самарага келсак, у, ўз мазмунига кўра, инқироздан чиқишни, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ва иқтисодий ўсишни таъминлайдиган баланслашган демарказлаштириш шароитида сифат жиҳатидан ўсишни англатади.

Бюджет демарказлашуви бошқарув органларини аҳолига яқинлаштиради, чунки маълум бир солиқлар даражаси ва таркиби ва бюджет харажатлари бўйича қабул қилинган қарорлар учун жавобгарлик маҳаллий бошқарув органларига юклатилади. Маълум бир иқтисодий ваколатлар билан маъмурий ресурслардан биргаликда фойдаланиш солиқ базасини кенгайтиришга ва маҳаллий бюджетга даромадлар тушумини мобилизациялашувига имкон беради.

Демарказлашув шароитида фуқаролик жамиятини фаол шаклланиб боришини рағбатлантирилиши қуйидагича бўлади – аҳолининг кўп қатламларини ва хўжалик субъектлари манфаатларини кўзловчи турли нотижорат ташкилотлари ёрдамида минтақавий ва маҳаллий маъмурият фаолияти устидан, шу жумладан, бюджет-солиқ соҳасидагидан ҳам, давлат-жамоат назоратини ўрнатилиши реал воқеликка айланади.

Бу борада энг муҳим масала – демарказлаштириш афзалликларидан фойдаланишга реал шарт-шароитлар етилдими ёки йўқми? Халқаро тажриба кўрсатишича ва таҳлилчи-экспертларнинг фикрича бюджет демарказлаштирилишини муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги шарт-шароитларни яратиш зарур.

Минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари *маҳаллий аҳоли томонидан сайланиши* зарур. Агар раҳбарлар умумхалқ сайлови натижасида сайланмасдан юқоридан бевосита тайинланса сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини сайлов институти орқали баён эта олмайдилар ва уларнинг манфаатларини кўзламайдиганларни алмаштириш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига *солиққа тортиш масалаларида бир неча ваколатлар берилиши* зарур. Баъзи солиқ ставкаларини мустақил белгилайдиган маҳаллий бошқарув органлари бюджет даражасини, ҳамда ижтимоий хизматларни молиялаштириш ҳажмини тартибга солишлари мумкин. Агар даромадларнинг ягона манбаси марказдан трансфертлар бўлса, бунда бюджет ҳажми марказий (ёки минтақавий) ҳокимият органлари томонидан белгиланади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда ва ўтиш даври мамлакатларида маҳаллий ҳокимият органлари мустақил равишда солиқ ставкаларини белгилаш ваколатларига эга эмаслар, баъзи аҳамиятсиз солиқларга нисбатан бу ҳол мустасно бўлиши мумкин.

Маҳаллий ҳокимият органлари *бюджет маблағларини сарфлаш борасида маълум бир жавобгарликка эга бўлишлари* керак. Маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий сайловчилар учун муҳим ҳисобланган кўрсатилаётган хизматлари учун жавобгарлик ўтказиб берилмагунга қадар маҳаллий мансабдор шахслар ўз электроти олдидан ҳисоботдор бўлмайди.

Маҳаллий ҳокимият органларига *кўрсатилаётган жамоат хизматлари тарки-*

бини аниқлашда маълум даражада автономлик берилиши зарур. Улар харажатларнинг турли моддалари ўртасида ўз маблағларини тақсимлаш жараёнида маълум бир эркинликка эга бўлишлари зарур.

Маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини тўлдириш учун солиқлар йиғими бўйича маълум даражада ваколатлар тақдим этилиши зарур. Кўпчилик ҳолларда бу ўта мураккаб муаммога айланади, чунки маҳаллий солиқлар қийин йиғиладиган солиқлар турига киради, маҳаллий солиқ хизматлари эса етарли даражада тажрибали солиқ мутахассисларига эга эмасдирлар. Ундан ташқари, маҳаллий мансабдор шахслар билан аниқ солиқ тўловчилар ўртасидаги масофа минималдир, шу сабабдан солиқлар йиғими сиёсий масала сифатида қабул қилинади. Маҳаллий аҳоли томонидан сайланган мансабдор шахсга тўловларни амалга оширмаганлиги учун (масалан мол-мулк солиғини тўламагани учун) мол-мулкни мусодара қилиш бўйича қарор қабул қилиш қанчалик мураккаб бўлишини тасаввур қилиш қийин. Ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларда бошқа муаммо ҳам мавжуд. Солиқларни йиғиш асосан марказий ҳукумат органларининг функцияси ҳисобланади, яъни марказлаштирилган солиқлар йиғими маҳаллий ҳокимият органлари номидан амалга оширилса ҳам, уларнинг бу жараёнда “билвосита” иштирокини назарда тутати.

Барча санаб ўтилган шарт-шароитларни тўлиқ тайёр бўлмалиги бюджет демарказлашуви самардорлигида камчиликларни юзага келтиради – “маҳаллий” манфаатларни умумминтақа ёки миллий манфаатлардан устуворлиги, бошқарув функцияларини қайтарилиши, бошқарув харажатларини ўсиши, бюджет харажатларини самарасизлиги ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар. Марказлаштириш ва, шу билан бирга, демарказлаштиришнинг афзалликлари ва камчиликларини баҳолашда ушбу икки рақобатлашувчи ёндашувлар ўртасида балансни топиш ўта муҳимдир. Энг муҳими бу икки жараён бир-бири билан узвий боғлиқ ва доимо бир-бирини тўлдириб боришини англаш лозим. Яъни, маълум бир ҳолатда марказлаштириш жараёни амалга оширилаётгани демарказлаштириш жараёнига нисбатан бўлаётганини англашимиз лозим. Бунда ушбу икки жараённинг оптимал нисбатини топиш масалани ечимларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лексин В.Н. Федеративная Россия и её региональная политика: учебное пособие по дисциплине специализации специальности «Государственное и муниципальное управление» / В. Н. Лексин. - Москва: ИНФРА-М, 2008. – 350 с.
2. https://bstudy.net/648892/ekonomika/preimuschestva_nedostatki_byudzhethnoy_detsentralizatsii
3. Фуқаролар учун бюджет. 2019 лойиҳаси. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Давлат бюджетининг Бош бошқармаси. Тошкент – 2018. 80 стр.
4. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил
5. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик/Срожиддинова З.Х. «InfoCOM.UZ», Тошкент, 2010
6. Н.Хайдаров. Давлат молиясини бошқариш. Т. «Академия», 2006 й.
7. Вахабов А.В., Срожиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник. Т. «Иқтисод-молия», 2006
8. Элмонов Б.Э. Давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштириш // Иқтисод ва молия, 2019. № 9, 18-22 бетлар
9. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производственных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: Фан, 1992. – с. 8.
10. Родионова И.А. Региональная экономика. – М.: Экзамен. 2003. – с. 9.
11. Абулқосимов Ҳ.П. Административные реформа и децентрализация государственного хозяйственного управления в Республике Узбекистан. “Вестник НИЦ МИСИ: актуальные вопросы современной науки”: электронный международный научный журнал.-М.: НИЦ МИСИ.- 2019 год -№17/[Электронный ресурс]-Режим доступа.-URL:<http://conference-nicmisi.ru/mezhdunarodnyj-nauchnyj-zhurnal-vestnik-nitz-misi-aktualnye-voprosy-sovremennoj-nauki-2html-C.13-20>.
12. Бабаджанова Л.Ш. Актуальные аспекты устойчивого развития территорий Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия, 2018. № 9, 53-59 бетлар
13. Хайдаров М. Махаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари // Иқтисод ва молия, 2018. № 6, 21-30 бетлар
14. Мусагалиев А.Ж. Молиявий муносабатларнинг назарий методологик жиҳатлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ҳозирги умумий ҳолати// Иқтисод ва молия, 2019. № 1, 29-37 бетлар
15. Юлдашева Н., Ҳамраева Ф. Анализ этапов бюджетной политики государства по активизации деятельности местных бюджетов Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия, 2019. № 5, 33-41 бетлар
16. Бабаджанова Л.Ш. Некоторые вопросы практики формирования доходов местных бюджетов в Республике Узбекистан и направления ее совершенствования // Иқтисод ва молия, 2018. № 2, 20-28 бетлар.